

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**447 Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий
чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудуд-
ларда яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-
тадбирлари тўғрисида**

«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ ҳамда нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Экологик назорат тўғрисида» ва «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларида атроф муҳитнинг радио-актив моддалар билан ифлосланиши устидан назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш юзасидан масъул этиб белгилансин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 29 август,
243-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 29 августдаги 243-сон қарорига
ИЛОВА

Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида» ва «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тартибини белгилайди.

2. Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларга «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига мувофиқ белгиланган санитария-муҳофаза зоналарига туташ ҳудудлар киради.

3. Ўзбекистон Республикаси айрим аҳоли пунктларини нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудлар деб эътироф этиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тақдиротида қўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

4. Мазкур Низомга мувофиқ вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ўз ваколатлари доирасида нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудлар деб

эътироф этилган ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширадilar.

II. Нурланиш олиш белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари

5. Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқаролар:

а) саломатликни муҳофаза қилиш ва нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли билан боғлиқ касалликлар профилактикаси соҳасида:

яшаш жойи бўйича соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳар йили тиббий кўрикдан ўтиш;

юқори нурланиш дозасини олган шахслар — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дори воситалари;

корхоналар ва муассасалар ходимлари — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган нормалар бўйича корхоналар ва муассасалар маблағлари ҳисобига бериладиган сут;

б) аҳолининг айрим гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида:

умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқувчилари — ҳар йили мактаб таътиллари вақтида болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли йўлланмалар;

I ва II гуруҳ ногиронлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар — ҳар икки йилда камида бир марта Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизими санаторийларига бепул йўлланмалар билан таъминланадилар.

6. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳамда корхоналар ва муассасаларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ҳар йили нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳар бир ҳудуд учун фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқади.

III. Якунловчи қоида

8. Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши учун масъулият туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, шунингдек тегишли вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юкланади.

Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

35 (639)-сон

**Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
I-босқич	Аҳолининг радиациявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш натижалари билан радиация-гигиена паспортлари маълумотлари бўйича нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган аҳоли пунктларини ва ҳудудларни аниқлаш	Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Ҳар йили
II-босқич	Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш тадбирлари режасини тасдиқлаш	Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	Радиация-гигиена паспорти тақдим этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида
III-босқич	Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан юқори даражада нурланишга дучор бўлган шахслар сонини ҳамда радиация таъсирига боғлиқ ҳолда бўлган фуқаролар саломатлигига зарар етишининг юқори хавфи учун компенсациялар миқдорини белгилаш	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	Тадбирлар режаси тақдим этилган кундан бошлаб биринчи ой мобайнида
	Фуқароларнинг радиоактив ифлосланган зоналарда яшашининг алоҳида режимларини жорий этиш шартларини белгилаш	ССВ, ФВВ, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	Хавфлилик аниқланган кундан бошлаб 15 кун мобайнида

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
IV-босқич	Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан ошиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳудудларда яшовчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни белгилаш ва молиялаштиришни ташкил этиш	Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	Тасдиқланган тадбирлар режаси тақдим этилган кундан бошлаб биринчи ой мобайнида
V-босқич	Нурланиш олиш дозаларининг белгиланган асосий чегараларидан юқори нурланишга дучор бўлган шахслар учун тиббий-профилактика тадбирларини амалга ошириш шарт-шароитларини белгилаш (диспансеризация, ҳисобга олиш, амбулатория-стационарда даволаниш, дори воситалари билан таъминлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги санаторийларга бепул йўланмалар билан таъминлаш)	ССВ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари	Тиббий тасдиқ олингандан кейин